

*Б.К. Файибназаров,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
М.Р. Абдуллаева, катта ўқитувчи,
Давлат Статистика Қўмитаси
Кадрларни қайта тайёрлаш ва
статистика тадқиқотлари маркази*

СТАТИСТИКАДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил ПФ - 3080 - сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация тизимларини жорий этиш тўғрисидаги” Фармони қабул қилинди. Унга биноан, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини яратиш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш, ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот жамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт – шароитлар яратилиб келинмоқда.


Жумладан, соҳага оид қонун ҳужжатларини қабул қилиниши фармон ижросини яққол намунасидир. Бугунги кунгача меъёрий-ҳуқуқий базани таъминлайдиган бир нечта қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар амалда ўз ижросини топмоқда. Улар иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини тўғри юритиш ва тартибга солиш, шу билан бир қаторда, хизмат кўрсатувчи (ишлаб чиқарувчи) ва мижозлар ўртасидаги ижтимоий - иқтисодий муносабатларни қонуний ташкил этилишида муҳим аҳамият касб этади.

2011 йилда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 8,8 млн.ни ташкил этди (1-расм).

Бугунги кунда республикада бир нечта электрон рақамли имзоларни (ЭРИ) рўйхатга олиш марказлари фаолият олиб бормоқда. Айниқса, давлат бошқарув органлари фаолиятига электрон ҳужжат айланиш тизимлари киритилиб, ҳозирда ундан фойдаланиш имкониятлари ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 ноябрда қабул қилинган ПҚ-999 - сонли “Давлат статистика органлари тизимининг дастурий-техникавий таъминоти ва кадрларининг профессионал малакаси даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорига биноан, жаҳон статистика амалиётида умумқабул қилинган тамойиллар ва методология асосида Ўзбекистон Республикасининг давлат статистика тизимини янада такомиллаштириш, замонавий ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш негизида фойдаланувчиларнинг кенг доирасини ҳаққоний ва тўлиқ маълумотлар билан таъминлаш, статистика фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш, шунингдек, давлат статистика

органлари тизими кадрлари малакасини ошириш ишларини сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилди.



1-расм. Интернет фойдаланувчилари сонининг ўсиши

Қарорга мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман статистика органлари янги компьютер техникалари билан таъминланди.

Давлат статистика қўмитасининг(ДСҚ) расмий сайти www.stat.uz ташкил этилди. Расмий сайт орқали статистик ҳисоботларни тақдим этиш бўйича интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш миқёси кенгаймоқда.

Ҳозирда Давлат статистика қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 181-сонли қарорига мувофиқ, расмий сайт орқали қуйидаги асосий интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш жорий этилган:

– Ўзбекистан Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;

– корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри хақида маълумотлар тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 ноябрдаги “Давлат статистика органлари тизимининг дастурий-техникавий таъминоти ва кадрларининг профессионал малакасини даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-999-сонли қарорига мувофиқ, 2010 йилда расмий сайтнинг янги варианты ишга туширилиши натижасида, Давлат

статистика кўмитаси томонидан қуйидаги қўшимча интерфаол давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда:

– фуқароларнинг статистика масалалари буйича шикоятлари, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш;

– статистик маълумотларни ишлаб чиқиш методологияси бўйича маълумотлар тақдим этиш;

– давлат статистика ҳисоботлари шакллари бланкаларини тақдим этиш;

– динамик каторлар бўйича маълумотлар тақдим этиш;

– демофафик кўрсаткичлар бўйича маълумотлар тақдим этиш;

– статистик классификаторлар бўйича ахборот тақдим этиш;

– электрон аризаларни қабул қилиш ва улар билан ишлаш, шунингдек Интернет тармоғи орқали очик фирма номларини захиралаш ва вақтинча саклаш;

– электрон статистика ҳисоботларини қабул қилиш ва улар билан ишлаш, Интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда электрон статистика ҳисоботлари юбориш хизматлари кўрсатиш.

Давлат статистика кўмитаси томонидан 2011 йилнинг 1 февралидан бошлаб, Интернет тармоғи орқали фирма номларини захирага қўйишнинг электрон тизими жорий этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1529-сонли қарорига мувофиқ, 2011 йилнинг 1 июнидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектнинг фирма номини захирага қўйиш муассасаларнинг ўзлари ёки рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан Интернет тармоғи орқали амалга оширилмоқда¹.

Давлат статистика кўмитасида жорий йилнинг феврал ойидан бошлаб давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда Интернет орқали юбориш тизими жорий этилди(2-расм).

Бу тизим ҳисобот топширувчилар учун ҳам ҳисобот қабул қилувчилар учун ҳам қатор қулайликлар яратади. Ҳисобот топширувчилар ўз иш жойларида ҳисоботларни электрон усулда тўлдириб, уларни Интернет орқали статистика органларига юбордилар. Бу эса мижозларни статистика органларига шахсан ташриф буюришдан ҳалос этади. Демак, йўлга ва навбат кутишга кетадиган вақт, шу билан бир қаторда, статистика ҳисоботларини тўлдиришга кетадиган меҳнат ҳаражатлари ҳам тежалади. Тизимнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳисобот топширувчи ҳисобот шаклини тўғри тўлдирмагунча юбориш имкониятига эга бўлмайди. Яъни тизим арифметик ва мантиқий назорат қилиш функциясига эга. Бу эса ҳисобот топширувчиларга ҳисоботларни хатосиз тўлдириш имкониятини беради. Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳисобот шифрланган ҳолда

¹ www.stat.uz - Давлат статистика кўмитасининг расмий сайти.

Интернетдан юборилади ва бу маълумот узатиш хафвсизлиги тўлиқ таъминлайди.



2-расм. Давлат статистика ҳисоботларини Интернет орқали юбориш

Тизимдан фойдаланиш учун ҳисобот топширувчилар:

- Интернет тармоғига уланган бўлиши;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг янги технологиялар илмий-ахборот марказининг электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзога эга бўлиши;
 - юридик ташкилот жойлашган ҳудуднинг статистика бўлимига ариза билан муружаат қилиш;
 - Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан дастурий таъминотни кўчириб олиш ва ўз компютерига ўрнатиш;
 - ҳисоботни тўлдириш, ҳамда арифметик ва мантикий хатоларнинг текширувини ўтказиш талаб этилади².

Ҳозирги кунда, корхона ва ташкилотларга 22 та давлат статистика ҳисоботлари шакллари Интернет тармоғи орқали электрон кўринишда тақдим этиш имконияти яратилган. Ҳисобот шакллари Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан кўчириб олиш мумкин.

Тизимда ойлик, чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари қўлланилади. Ҳисоботлар ҳар хил бўлишига қарамасда уларнинг ишлаш услуби бир хилликни талаб этади. Аммо ҳисобот маълумотларининг даври бундан мустасно. Тизимдаги ҳисобот кўриниши билан қоғоздаги ҳисобот варианты билан бир хил бўлади.

² www.stat.uz - Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

Электрон статистика ҳисоботини белгиланган тартибда тақдим этишда статистика органларига қўшимча равишда унинг қоғоздаги нусхасини тақдим этиш талаб этилмайди. Дастур юридик шахсларнинг флешка ёки бошқа алмаштириладиган манбалардан ЭРИни мустақил равишда излаб топади ва уни ишончлилигини текшириб, ҳисоботни имзолайди ва маълумотларни шифрлаб Давлат статистика қўмитасининг серверига юборади.

Давлат статистика қўмитасининг серверидан ҳисобот топширувчига ҳисоботни келиб тушганлиги, шунингдек, уни қабул қилинганлиги ёки хатоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар билан бирга қабул қилинмаганлиги тўғрисидаги электрон хабар юборилади. Қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабар ҳисобот тақдим этилганлигининг тасдиғи ҳисобланади.

Ҳозирда республиканинг турли вилоятларидаги юридик ташкилотлар статистика ҳисоботларини топширишда тизим имкониятларидан кенг фойдаланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасида Microsoft компанияси технологияси, яъни SharePoint Server 2007 дастури асосида электрон ҳужжат айланиш тизими яратилган бўлиб, бу тизимнинг асосий мақсади — ташкилот инстанциялари бўйича электрон ҳужжатлар айланишини таъминлашдан иборат.

SharePoint Server 2007 фойдаланувчиларга қатор қулайликлар яратади. Интерфейси тушунарли ва осонлиги сабабли, фойдаланувчи қисқа муддат ичида ундан фойдаланишни ўрганиб олиши мумкин. Бундан ташқари ҳужжатларни ягона форматини ва қулай маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятини ҳам беради.

Ҳозирда тизим давлат статистика қўмитасида фойдаланилиб, бошқармалар орасида ҳужжат айланишини таъминламоқда. Тизим ходимлар учун қатор қулайликлар яратиш билан бирга иш самарадорлигини ҳам ошишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Электрон ҳужжатни асосий реквизитларидан бири бу электрон рақамли имзо бўлиб, жорий йилнинг март ойида Давлат статистикаси тизимида электрон ҳужжат алмашинувини жорий қилиш учун, Давлат статистика қўмитаси томонидан илмий-техникавий ва маркетинг тадқиқотлари маркази - “UNICON.UZ”дан 288 та электрон рақамли имзо (ЭРИ) сотиб олинди³.

Бугунги кунда ДСҚ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман статистика органларида мавжуд бўлган локал тармоқлари асосида ягона корпоратив тармоқ ташкил этилган бўлиб, у узлуксиз ишлаб турибди.

Юқоридаги қарорга мувофиқ, Давлат статистика қўмитасини Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари Марказида “Статистика органларида электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш”, “Статистика органлари тизимида ахборот тармоқлари хавфсизлигини таъминлаш ва бошқариш”, “Статистикада замонавий ахборот-коммуникация тизимлари” ва жойларда ташкил этиладиган “Давлат статистика ҳисоботларини электрон рақамли имзодан фойдаланиб электрон тарзда интернет орқали тақдим этиш

³ www.stat.uz - Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

тизимини жорий этиш” курслари ташкил этилган. Бу малака ошириш курсларини 2011 йил ҳисоботида кўра, режадаги 514 тадан 506 та тизим ходимлари ва 136 та иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият олиб бораётган ходимлар муваффақиятли якунлаб, тегишли гувоҳномаларга эга бўлишди.

2011 йилнинг 27 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 289-сонли “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестацидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Қарорига биноан Марказда 2012 йилда, компьютер техникаси ва ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича янги ўқув курси ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Юқоридаги Қарорга кўра ташкилот ходимларининг малака ва кўникмалари даражаси Давлат талабларига мувофиқ бўлиши керак. Яъни ташкилот ходими АКТ соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган ва лавозим вазифаларини бажаришга тадбиқ этиладиган Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, электрон ҳужжатлари айланиши тизимида ва электрон рақамли имзо билан ишлаш асосларини, ахборот технологияларини билиши зарур. Шунингдек, шахсий компьютерда фойдаланувчи даражасида ишлаш, идоравий дастурий иловалари билан ишлаш, Интернет тармоғида, локал ва корпоратив тармоқларда ишлаш, электрон ҳужжатлар айланиши тизимидан фойдаланиш, электрон почтадан ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш, ташкилий техникадан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши зарур⁴.

Давлат ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларни аттестацияга тайёрлаш мақсадида Марказда ташкил этилиши режалаштирилаётган “Компьютер техникаси ва ахборот–коммуникация технологиялари” деб номланадиган янги курс Давлат талабларига тўлиқ мос келади. Курсни муваффақиятли якунлаган ходимларга тегишли гувоҳномалар берилади.

⁴ ЎзР ВМ 2011 йил 27 октябрдаги 289-сонли “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Қарори.